

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Кизилтепа туман “Ободонлаштириш”

бошқармаси бошлиғи

Б.С.Жумаев

2022 йил



КИЗИЛТЕПА ТУМАНДА “ОБОДОНЛАШТИРИШ” БОШҚАРМАСИ

БЮРТМАСИГА АСОСАН “МЕНИНГ ЙЎЛИМ” БЮДЖЕТ

МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИДАН БАШИР МФЙ БАШИР

ИЧКИ ЙЎЛИНИ ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ

ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ИШЛАРИНИ

БАЖАРИШ УЧУН

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИ

**Танлов хужжатларининг мазмуни:**

**I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**

**II. Техник қисм**

**III. Нархлар қисми**

**ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА  
1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

1.Танлов предмети: Қизилтепа туман “Ободанлаштириш” бошкармаси бюртмасига асосан Қизилтепа туман Башир МФЙ ички йўлини жорий таъмирлаш ишларини бажриш .

1.2.Танловнинг юкори қиймати— 131 843 236 ( Бир юз ўттиз бир миллион саккиз юз кирк уч минг икки юз ўттиз олти ) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3.Махсулот бўйича Танлов хужжатларида илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича голиб чиқсан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4.Ишларни бажариш муддати: Голиб бўлган қатнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган тижорат таклифига асосан белгиланган график бўйича.

1.5.Ишларни бошлаш муддати – аванс маблағи ўtkазилган кундан бошлаб ҳисобланади.

**2.ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

2.1. Қизилтепа туман “Ободанлаштириш” бошкармаси (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) – танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили : Қизилтепа туман А.Навоий МФЙ Шодлик кўчаси 45-үй

2.2.Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3.Танлов Қизилтепа туман Ободонлаштириш бошкармаси “Буюртмачи” томонидан тузилган харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартиба, белгиланган муддатларда ўтказилади.

**3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

3.1.Танлов мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 2 йил тажрибага эга бўлган барча Юридик макомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2.Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қўйидаги малакавий талаблар кўйилади:  
танлов предмети ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

- 684-Конун 13-моддасига риоя этилиши шарт
- Моддий-техника базаси
- Бахтсиз ходисалар булган вазиятларда ишчи ходимларнинг хаёти сугурталанганилиги
- Техника хафсизлиги коидаларига риоя килиш талаблари хамда йуриномалари
- Танлов обьектига ўхшаш обьектлардан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;
- Солик ва бошка мажбурий туловлардан карздорлиги йуклиги тугрисида
- Катнашувчининг ташкил этилиши, тугатилиши ёки банкрот булиши, мижоз билан суд ёки хакамлик мухокамаси холатида булмаганлиги тугрисидаги кафолат хати.
- Иштирокчи корхонанинг давлат руйхатидан ўтган даврдан бошлаб унинг иш тажрибаси (гувохнома, Низоми (устав), ва умумий маълумотлар
- Курилиш-пудрат ташкилотлари электрон рейтинги
- Иштирокчи корхонанинг омборида махсулот мавжудлиги
- Корхонанинг мавжуд траспорт воситалари хакида маълумот
- Ишларни бажариш муддати Кафолат хати
- Ноҳалол иштирокчилар реестрида мавжуд эмаслиги тугрисида маълумот

3.3.Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга руҳсат этилади.

3.4.Кўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга руҳсат берилмайди:

кайта ташкил этилиш(ажралиши, кўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; молмулки мусодара қилинганлар, хамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий карамлиги мавжудлар.

## **4.ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

4.1.Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ва рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2.Танлов хужжатларида куйидагилар тақдим этилиши лозим:

Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиганиш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлик кўрсаткичлар кўрсатилилан бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган ваколатли шахс имзоси ва муҳри билан тасдикланган ҳолда ёки ҳар бир вароғини муҳрлаб тасдиклаган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.3.Куйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича куйидаги таклифлар:

Техник хужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади).

4.4. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтириб олиш ёки ўзгартириш киритиш хукуқига эга.

## **5.ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ**

5.1.Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5 календар кунга узайтириши мумкин.

5.2.Таклифлар муддатини узайтирилиши факат харид комиссияси йигилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3.Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор маҳсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

## **6.ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1.Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

6.2.Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3.Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирочи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## **7.БОШҚА ШАРТЛАР**

7.1.Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда кўрсатиласкан ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартириш киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари коидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартираслиги керак.

7.3.Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзолаган кундан эътиборан уч иш куни ичида маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси такливларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5.Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

Харид қилиш ҳужжатларига  
2-илова

## Техник топширик

**Харид предмети:** Қизилтепа туман “Ободанлаштириш” бошқармаси бюртмасига асосан Қизилтепа туман Башир МФЙ ички йўлини жорий таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш ишларини бажариш

Қафолат муддати: 2022 йил 1 йилгача

№	Талаб номи	Ўлчов бирлиги	Ўзига хос хусусияти
1.	Қизилтепа туман Башир МФЙ ички йўлини жорий таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш	шт	Лойиха смета ҳужжатлари асосида Башир МФЙ ички йўлини 0.3 км масофасини жорий таъмирлаш ва хизмат кўрсатишда ишларни сифатли бажариш
2.	Ишларни ўз мўддатида бажариш	комп	Техника хафсизлигига ривоя этиш
3	Қизилтепа туман Башир МФЙ ички йўлини жорий таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш	комп	Қафолат муддати: ишларни топширган кундан бошлаб 1 йилгача

Комиссия аъзолари:



*О.Исматов*

О.Исматов

*Ш.Рахимов*

Ш.Рахимов

*А.Абдуллаев*

А.Абдуллаев